

Қ А Р О Р

(мажбурий равишда алкоголизм касаллигидан даволанишга юбориш ҳақида)

2024 йил октябрь ойининг 7 кунида жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи судья: Б.Полвановнинг раислигида, судья ёрдамчиси Л.Уткировнинг котиблигида,

Оқдарё туман ички ишлар бўлими бошлиғининг фуқаро Рузиев Юсуфбой Яхшибоевич - 1974 йил 6 апрель куни, Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Оқдарё тумани марказий поликлиникаси наркология бўлимида “сурункалиалкоголизм” ташхиси билан ҳисобда туради, Оқдарё тумани, “Суғончи” маҳалласида яшовчи фуқарога нисбатан мажбурий тартибда алкоголизм касаллигидан даволанишга юбориш ҳақидаги тақдимномасини №1-1411-2401/223-сонли йиғма жилд ҳужжатлари билан суд мажлисида кўриб чиқилиб, қуйидагилар,

А Н И Қ Л А Н Д И:

Оқдарё туман ички ишлар бўлими бошлиғи, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судига 2024 йил 7 октябрь куни тақдимнома киритиб, унда фуқаро Холбекова Нилуфар Мирзаевна Оқдарё туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат этиб, аризасида бирга яшаб келаётган турмуш ўртоғи Рузиев Юсуфбой Яхшибоевич кейинги вақтларда сурункали равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, ўзининг ножўя хатти-ҳаракатлари билан уни, оиласини ва қўшниларини безовта қилиб келаётганлигини, Рузиев Юсуфбой Яхшибоевич Оқдарё туман марказий поликлиникаси наркология бўлимида “сурункалиалкоголизм” ташхиси билан ҳисобда туришлиги сабабли келгусида фуқаро Исроилов Иззатулло Исроилович томонидан бирон-бир ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида фуқаро Рузиев Юсуфбой Яхшибоевични мажбурий даволанишга юборишга амалий ёрдам кўрсатиш сўралган.

Суд мажлисида сўралган Холбекова Нилуфар Мирзаевна ўзининг кўрсатувида, Рузиев Юсуфбой Яхшибоевич уни турмуш ўртоғи бўлишлиги, ҳозирги вақтда уни сурункали равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келаётганлиги, яшаш уйида қўлига илинган нарсаларни сотиб юбораётганлиги, ундан ўзи, оиласи ва қўшнилари изтироб чекаётганлиги, турмуш ўртоғи Рузиев Юсуфбой Яхшибоевич бир неча марта Самарқанд вилояти наркология диспансерида даволаниб келганлигига қарамасдан ўзига ижобий хулоса чиқармаганлиги, шунинг учун турмуш ўртоғи Рузиев Юсуфбой Яхшибоевични алкоголизмдан мажбурий даволанишга юборишни сўраб кўрсатма берди.



Судда сўралган Оқдарё туман ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспектори А.Вафакулов кўрсатувида, фуқаро Рузиев Юсуфбой Яхшибоевич бир неча мартаба спиртли ичимликлар истемол қилиб келаётганлиги, оиласи тинчлигини бузган холда маст бўлиб кўча куйларда ётиб қолаётгани, ўзининг уйида маст бўлган холларда фарзандларини алохида хонада қўлларини боғлаган холда ушлаб қийнаётганлигини айтиб кўрсатма берди.

Суд, тақдимнома билан танишиб чиқиб, Холбекова Нилуфар Мирзаевнанинг кўрсатмасини тинглаб, Рузиев Юсуфбой Яхшибоевичга нисбатан тўпланган ҳужжатларни муҳокама этиб, Оқдарё туман ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан киритилган тақдимномани қаноатлантиришликни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 1995 йил 4 октябрь кунидаги “Алкоголикларни ҳамда наркоманларни мажбурий равишда даволанишга юбориш тўғрисида”ги 10-102-628-сонли буйруғи ва 2020 йил 27 октябрь кунидаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида” ги Қонуннинг 3,29-моддаларига қўлланилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Оқдарё туман ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Рузиев Юсуфбой Яхшибоевич мажбурий равишда алкоголизм касаллигидан даволанишга юборилсин.

Суднинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даъволашга юбориш тўғрисидаги қарори устидан Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ушбу қарор ўзига нисбатан чиқарилган шахс ёки унинг адвокати, қонуний вакили томонидан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши ёхуд прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Б.Х.Полванов

